



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 июл, сешанба № 109 (1950)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲНА ҚУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚИШЛОҚҚА ИЧИМЛИК СУВИ

Зилот чашма сувлари Мирзачўл заминиде ўта қадри қисобланади. Айниқса, собиқ Меҳнатобод тумани ҳудудида тоза сув муаммолига қолиб кетганди. Яқинда Й.Охунбоев номли деҳқон хўжалиқлари уюшмаси ҳудудида бу муаммо ижобий ечим топди.

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган сув тозалаш қурилмаси Жанубий Мирзачўл каналининг шохобчасига ўрнатилди. Бу эса ҳудуддаги 3700 нафардан ошiq аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини берди. Сув тозалаш ишюотини Бахт шахридаги 8-МКК бунёдкорлари барпо этишди. Улар қисқа фурсатларда усқуналар ўрнатиладиган бинони таъмирдан чикаришга эришди.

Эндиликда бу ердаги аҳоли тоза, саломатлик учун фойдали мусаффо сувдан бахраманд бўлишаяпти.

Ш.НУРУЛЛАЕВ

ВАТАНИНИ СЕВГАНЛАР ЕНГИЛМАЙДИ

Жиззах вилоят марказидаги Мустиқиллик майдониде «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди» шюри остида ўтган ёшлар фестивали катнашчиларининг фикри ана шундай.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят олий ўқув юртолари, ўрта махсус қасб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилган маъзур анжуманда ёш авлод вакиллари шю йил 13 май куни Андижон шахрида бир гуруҳ жангарилар томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралаб, ўз тенгдошларини оғоҳлик ва бирдамликка даъват этдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар озолик, тинчлик ва осо-йштлиқ каби неъматларнинг нақадар азиз ва буюклиги, уларни асраб-авайлаш, қадрига этиш, зарур бўлса, бунинг учун курашиш ҳар бир юртдошимиз, айниқса, мард ва жасур ёшларнинг муқаддас бурчи эканини яна бир бор таъкидладилар. Саҳнада ватанпарварлик гоёлари билан йўғрилган театрлаштирилган томоша кўринишлари намойиш этилди. Танқили хонандалар, ҳаваскор ва фольклор-этнографик жамоалар ижросида Ватан, тинчлик ва дустликни тараннум этувчи куй-кўшиқлар янгради.

Мен келгусида муқаддас бўлиб халқим ва юртимга хизмат қилиш ниятиданам, - дейди Жиззах политехника институтининг учинчи курс талабаси Баҳром Одилов. - Мақсадим - Ўзбекистоннинг ривожига ҳисса қўиши. Агар ҳар бир тенгдошимиз Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини чуқур ҳис этса, юртимизни ҳеч қандай куч билдан тортиб ололмайди. Ўз Ватанини, халқини севганлар ҳеч қачон енгилмайди.

Юртбошимизнинг мардона саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг мустақкам иродаси де Андижонда гаলামисларнинг гаразли мақсади амалга ошмади, - дейди Жиззах давлат педагогика институтининг учинчи курс талабаси Низом Тангиринов. - Биз, ёшлар халқимизнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун бутун куч ва ғайратимизни сафарбар этамиз. Биз Ватанимиз ва халқимизга содиқ авлод эканлигимизни ҳар қадамда исбот қилишга тайёрмиз.

Нукус шахридаги ёзги амфитеатрда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди» шюри остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Таъбирида Орлобўйининг ўқувчи ва талаба ёшлари, спорт, санъат ва таълим соҳасида юқори натижаларга эришган янги иштирокчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Фестивал иштирокчилари шю йил 13 майда Андижон шахрида юз берган муддиш воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, бундай фожиалар такрорланмаслиги учун барчани Президентимиз атрофида жиپлашишга, янада сергак ва хушёр бўлишга чақирдилар. Ҳуқуқий-демократик давлат куриш йўлидан олға бораётган халқимизни танлаган йўлидан ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмаслигини таъкидладилар.

Ёшлардаги ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришга қаратилган бундай тадбирларни тез-тез уюштириб туриш фойдадан холи бўлмайди, - дейди Қорақалпоғистон халқ шюри Тўлибўй Қоёулов. - Мен бу ерда фарзандларимизнинг фаоллиги, жўшқинлигини кўриб, Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Бирор фойдали иш билан шугулланмай, ўзига ҳам, жамиятга ҳам нафи тегмай юрган ёшлар турли оқимларга осон кириб кетиши мумкин, - дейди ёзувчи, Бердақ номидаги давлат муқофоти совриндори Кўнайсин Ерназаров. - Ўқув муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик бу муҳим вазифага масъулият билан ёндашиши керак. Келгусида ўзлари учун фаровон ҳаёт бунёд этилаётганини тушуниб этган ҳар бир йигит-қиз қалбиде Ватан туйғуси жўш уриши муқаррар.

Бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган Андижон воқеалари биз, ёшларни ларзага солди, - дейди «Олимпик захиралари» коллежи 1-босқич талабаси Азиз Нурхонов. - Юртимизнинг янада тараққий этиши, халқимиз фаровон ва осода ҳаёт кечирishi учун ёшларимиз Ватан, халқ, тинчлик сингари муқаддас тушуналарнинг мазмун-маъноятини тўла-тўқис аниглаб этмоғи зарур. Бугунги фестивал айнан шю эзгу мақсадга хизмат қилди. Таъбирга танқили спорт ва санъат усталари, фольклор-этнографик дасталар, ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари янада шуҳуҳ ва фойз бахш этди.

(ЎЗА)

Жаҳон чемпиони деган ном спорт оламида энг олий унвондир. Футбол, бокс, шахмат каби миллионлаб мухлислар кўнглидан жой олган энг оммавий спорт турлари бўйича эришилган улкан натижалар ҳақидаги хушхабарлар бутун дунёга бир зумда тарқалиши маълум. Минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахматнинг бошқа машҳур ўйинлардан фарқи шундаки, маъзур спорт тури бўйича жаҳон чемпиони бўлиш башарият тарихида санокли кишиларгагина насиб қилган.

Зеро, жаҳон шахмат тожи учун дунёнинг энг зўр шахматчилари расман 1886 йилдан буён кураш олиб боради. Бу тожга биринчи бўлиб австриялик Вильгельм Стейниц сазовор бўлган. Ҳаюртчимиз Рустам Қосимжоновга жаҳон шахмат тожиге Эмануил Ласкер, Хосе Капабланка, Александр Алехин, Макс Эйве, Михаил Ботвинник, Василий Смилов, Михаил Таль, Тигран Петросян, Борис Спаский, Бобби Фишер, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Владимир Крамник, Александр Халифман, Вишванатан Ананд ва Руслан Пономарев эгалик қилган.

2004 йили Ливия пойтахти Триполи шахрида Халқаро шахмат уюшмаси - ФИДЕ шафёлигида ўтказилган шахмат бўйича жаҳон чемпионатини мухлислар ҳаяжон билан кузатиб бордилар. Унда дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар энг кучли шахматчи жаҳон шахмат тожи учун курашди. Улар орасида камтар, камгап, истариси иссиқ йигит - ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов ҳам бор эди.

Бу мусобақа Рустамни жаҳон вице-чемпиони, амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук, беш карта Венгрия чемпиони Золтан Алмаш, шунингдек, Александр Гришчук, Веселин Топалов ҳамда Майкл Адамс каби энг кучли шахматчиларга рўбарў қилди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер номи улғу бу

шахматчиларни кетма-кет мағлубиятга учратиб, жаҳон шахмат тожи сари яқинлаша борди.

Ниҳоят финал... Рустам Қосимжоновнинг шахматчилик фаолиятидаги энг муҳим ва машҳур учрашувини йигирма олти миллионлик Ўзбекистон халқи ҳаяжон билан томоша қилди. Рақиб энг кучли гроссмейстерлардан бири - англиялик Майкл Адамс эди.

Финалнинг классик шахмат бўйича олти партиясида кучлар тенг келди - бутун дунё бўйича миллионлаб мухлисус мутахассислар эътиборини ўзига қаратган гроссмейстерлар 3:3 ҳисобиде дуранг ўйнади. Мусобақа қондасига кўра, жаҳон чемпиони рапид - тезкор шахмат бўйича «тай-брейк»да аниқланадиган бўлди. Тезкор шахматда жаҳонда Рустамнинг олдида тушадиган ўйинчи кам. Буни «тай-брейк» баҳслари яна бир қарра исботлади. Икки партиянинг биринчида дурангга рози бўлган Рустам Қосимжонов кейинги баҳсда мураккаб вазиятда оқилонга иш тугтиб, тажрибали рақибини боши берк қўчага киритиб қўйди. Натижада ўзбек ўғлони жаҳон шахмат тожининг соҳибига айланди!

Бу тарихий воқеа Ўзбекистонда катта шодлик билан кутиб олинди. Минглаб ҳаюртларимиз майдонлару хибобларни тўндириб сайлга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг Фармонида биноан Рустам Қосимжонов голиялиқчи

ХАЛҚАРО ИШЧИ ГУРУҲИ АНДИЖОНДА

Олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шахрида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари 11 июл кун Андижонга келди.

Дипломатлар етакчи хорижий телекомпания ва ахборот агентликларининг журналистларидан иборат катта гуруҳ шахроҳлигида жорий йил 13 май куни фожеали воқеалар рўй берган жойларга бордилар, қуролланган жангариларнинг қутулмаган ва сурбетларча уюштирилган ҳужумига учраган милиция пост-патул хизмати ва Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб, ўша

воқеаларнинг гувоҳлари - офицерлар ва аскарлар билан суҳбатлашдилар.

Гуруҳ аъзолари 1-шаҳар ахлок тузатиш колониясини кўздан кечирдилар. Бу ерда уларга маъбуслар билан учрашиш ва ўзларини қизиқтирган саволлари бериш имконияти яратилди. Улар ҳўжум қилиш мўлжалланган бошқа объектларга террорчилар томонидан зурилик билан олиб кетилган ва турли йўлар билан жанга-

рилар сафини тарқ этиб, ўз ихтиёрига биноан жазони ўташ жойига қайтган маъбуслардир.

Гуруҳ аъзолари шахардаги «Исломобод», «Сой» ва «Форобий» маҳалларида фуқароларнинг маҳаллий ўзўзини бошқариш органлари вакиллари билан учрашди-лар, оддий андижонликлар, жумладан, ғайрихитрий гувоҳи ва иштирокчиси бўлган ҳамда Қирғизистон ҳудудида олиб кетилган, лекин охи-оқибат қочқинлар лагерида уйига қайтиб келишга муваффақ бўлган одамлар билан мулоқот қилдилар.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида

Мамлакатимизни, халқимизни дунёга танитишда, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг ҳам аҳамияти катта бўлмақда. Уни ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиш аънаанага айланган қолди. Бу йил бешинчи марта Регистон узра шарқ халқларининг мумтоз наволари янгради. Юртимизда, хусусан кўна Самарқандда ана шю байрамга тараддул бошлаб юборилган. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиков билан суҳбатимиз шю хусусида.

— Халқаро мусика анжуманига тайёргарлик дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Шю йил 25-30 август кунлари қадимий Самарқанднинг тарихий Регистон майдониде «Шарқ тароналари» фестивали бўлиб ўтади. Унга тайёргарликни пухта амалга ошириш бўйича ҳукуматимизнинг махсус қарори белгиланган вази-фонда тўлиқ бажарилди, албатта. Утган ҳафтада Бош вазир раҳбарлигидаги ташкилий комиссия аъзолари Самарқандда бўлишиб, тайёргарлик ишларини кўздан кечиришди, амалга ошири-

— Аслида маъзур халқаро фестивали ўтказишдан мақсад шарқ халқларининг маданий қадриятларини тиклаш, тарғиб қилиш, юксалтиришдан иборат. Шунинг учун фақат мусика йўналиши билан чекланиб қолинмайди. Тарихий ҳақиқат, хунармандчилик, шарқ мейморчилиги аънаналари, адабиёт ва санъат, турмуш маданияти, миллий тарбия аъ-

чилари ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Регистондаги Шердор мадрасаси ҳудудида миллий чолғу асбоблари, мумтоз мусикалар ёзилган аудио, видеокассетларнинг савдо-кўргазмаси фаолият кўрсатади.

— «Шарқ тароналари» фестивалининг самарқандлик санъаткорлар ижодиға таъсири нималарда кўринади?

— Аввало айтиш керакки, фестивалда ижро этилган куй-кўшиқларнинг элга манзур бўлганларини санъаткорларимиз муқамал ўрганиб, ўрни келганда ижро этишмоқда. Биринчи фестивалда совриндор бўлган озарбайжонлик қўшиқчининг овози

25-30 август: РЕГИСТОНДА ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

навлари акс эттирилди. Олдинги фестивалларда «Буюк ипак йўли шарқ халқларининг ихти-содий-ижтимоий юксалишидаги аҳамияти», «Мумтоз адабиёт ва санъат асосчиларига эҳтиром», «Экологик маданиятни шакллантириш» години илгари сурилди. Бу гал эса дунё маданияти, санъати, маънавияти, адабиётини раванқига бекқис хизмат қилган ҳазрат Навоийнинг ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш, улғулаш асосий шюри бўлади. Гап шундаки, фестивал воситасида халқимиз, айниқса ёшлар жаҳон маданияти ва санъати намуналарининг концертлари намойиш қилинishi рижалаштирилган. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак. Маъзур халқаро фестивалининг Регистонда ўтказилишида жуда катта маъно бор. Бу жараёнда Шарқ халқларининг мумтоз мусика наволари шарқона мейморчилик санъатининг тарихий тилсоллари билан уйғунлашиб кетади. Бу эса жуда катта маънавий аҳамиятга эга.

— Бундай маданий алмашинувлар қандай тадбирлар воситасида амалга оширилади?

— Самарқанд шахрида, Тайлоқ, Самарқанд, Урганч туманларида концерт дастурлари уюштирилишидан ташқари меҳнат жамоаларида, маҳалларда ижодий учрашувлар бўлиб ўтади. Мухлисларнинг санъаткорлар билан аркан учрашувларида имоният яратилади. Илмий-амалий конференциялар бўлади. Фестивалининг бориши, унинг катна-

Сўхбатдов: Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

Ўзингдан қўймасин, юртим!

Тандирда олов гуруллайди. Юзлари кўйиш тафтидан қизарган сувуш келинчақ бўрсилдоқ ноиларни саватга ташлайди. Атрофга ёқимли ҳид таралади. Энг азиз неҳмат ифторини туйган киши ҳаёлида бағрикенг далалар, эзгу ният билан кечаю кундуз тор ўқайтган қадокқул деҳқонлар меҳнатининг машаққати намойиш бўлади.

Юртбошимиз Қашқадарё сафари чоғида деҳқончилик маданиятинини янада юксалтириш, ер унумдорлиги ва қишлоқ аҳли даромадини ошириш, меҳнатини рағбатлантириш, уларга шарт-шароит яратиб бериш, янги иш уринлари барпо этиш, ҳар бир юмушни тўғри ва самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар хусусида аниқ вазифаларни қўйган эдилар. Президентимиз маслаҳатларига амал қилган галалорлар шартнома режасини муваффақиятли адо этдилар. Агар деҳқоннинг омади кўпсоя, инди юришса, хосили барақали бўлса, эл-улус тўқ, мамлакат қудратли бўлиши амалда исботланди.

Жорий йилда 800 минг тонна дон етиштиришни

режалаштирган қашқадарёлик зироатчиларнинг чош этган хирмонлари ҳар галдан-да юксак бўлди. Миришкор, Чандир, Помуқнинг кўшиги туркман дигери билан қўлтиқлашиб кетган даладашлари, Қасби ва Қаршиннинг серууну өрлари, Яқкабог, Шахрисабз, Китоб пастигексиллари, Қосон ва Чироқчи кенгликлари, Нишон чўллари, Қамашли, Гузор, Муборак галлазорлари ва Деҳқонободнинг тоғу тошли далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислотлар, соҳанинг таянч устуни ҳисобланмиш фермерлар ҳаракатиға катта йўл очиб берилаётганлиги, деҳқонларнинг өрга, мулкка бўлган муносабати ўзағариб, манфаатдорлиги орттиб бо-



ти. Умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пунктлари қуриляпти. Мамлакатда биринчи бўлиб шартнома режасини ўдалаган Қасби туманидиган 42,2 центнердан белилган ҳар гектар ердан 52 центнердан хирмон кўтарилди. Галларларнинг ўзига 29 минг тонна дон қолди. Рентабеллик даражаси 58 фоизни ташкил этди.

Вилоятдаги 13 мингта фермер ва 60 та ширқат хўжалиқлари рива ҳосил хар қанчонидан барақали бўлди. Нишон туманида «Зироат», Муборак туманида

И.ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ муборак гўшалар ниҳоятда кўп. Айнисса, Қарши шаҳри ва унинг атрофларидаги манзилу ҳудудлар унинг ҳаётида муҳим ўрни эгаллайди.

Мўғуллар истилоси, уларнинг босқинчиллик сиёсати, халққа етказган зулми, жабу-жафоси Темур калбида ёшигилгани нафрат, ғазабни уйғотиб, эл-юртни улардан озод қилиш ҳиссини кучайтирди. Ёш Темур от суришни, қилич чопишни, ёни ёниги йўлларини обдон ўрганди.

Амир Темур 1363-1364 йилларда Наматон қишлоғи яқинида Мўғул ҳукмдори Илёсхўжани мағлуб этиб, юртни босқинчилардан озод қилишнинг тамал тошини қўйган бўлса, 1370 йилгача Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги жойлар соҳибқирон ва унинг таърифдорлари учун кураш майдонига айланди.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ва Амир Хусайн мўғуллардан енгиллиб, Балх томонга ўтиб кетган. Самарқандда сарбадорларнинг мўғуллар устидан қозонган ғалабасидан хабар топган А.Темур ўз кўшмини билан Жайхундан ўтиб, Қарши шаҳри томон йўл олади. Ибн Арабшоҳ буни шундай тасвирлайди: "Қунларнинг бирида Темур ўз ҳамроҳларига: — Бу пайт қисмат у ва унга ўхшашлардан зарар кўриб, фасод ери улар "ҳосиллар"идан бахра олиб яшанган эди." — Бизнинг ақнимизда Худо-нинг раҳмати ёғилур Абу Туроб ал - Нахшабийнинг шаҳри Нахшаб шаҳри бор. Бу шаҳар кўрикланиб, у баланд деворлар ичида яшириганди. Агар биз бу (шаҳар)ни эгалласак, у бизга таянч, мудофаа жойи, бошлана ва панохгоҳ бўлади".

Ёш Темур бунгача бир неча марта Қаршида бўлган, унинг ҳисорини, кириш-чиқиш, сув ўтадиган жойларини обдон ўрганган эди. Амур Темур 1365 йилнинг кузида Қарши шаҳрини ўз лашкарлари билан қамал қилди. Бу пайтда Амир Хусайн томондан тайинланган Амир Мусо шаҳар амира эди.

сади, аввало ўз қўшинлариға дам бериб, уларни келгуси жангларға тайёрлаш бўлса, кейин уни душман ҳамласидан мудофаа қилиш учун шаҳар ҳисорини тиклашдан иборат эди. Уни тиклашға минглаб қурувчи устлар, паҳасасозлар, ёрдамчи ишчилар жалб этилди. Қурилиш тезкорлик билан олиб борилиб, баҳоргача ниҳоятсга етказилди. Амир Қазогоннинг набириаси Амир Хусайн билан Амир Темур дастлаб бирга бўлиб, мўғулларға қарши уруш қилган эди. Самарқанд сарбадорларини туга-тишда улар иттифоқчи бўлсалар ҳам, ўртадаги ҳамангорлик узоққа бормади. Амир Хусайн Темурнинг Қарши қалъасини эгаллашдан даргазаб бўлди. Амир Мусо ва Амир Улжай Аппартий қўшинлари билан бир-

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

билан ақунланди. Муаррихларнинг гувоҳлик беришча, Амир Темур Қаршидан узокда, умрининг кўп қисмини ҳарбий юришларға бағишлаган бўлса ҳам бу шаҳарни ўз эътиборидан четда қолдирмаган. Бир неча марта жанговар ёшлик йиллари кечган Қарши шаҳриға келиб кетган. Айнисса, сув таъминотини яхшилашға кўп амалий саъй-ҳаракатлар қилган.

Ҳозир Эски Анҳор деб аталувчи қадимда Даргомдан сув олган Монас ариғи куйи Қашқадарёни оби-ҳаёт билан таъминлаган, аммо Қаршидан анча узокда ўтган. Мўғуллар босқини даврида ушбу сув ишооти вайрон бўлган. Амир Темурнинг фармони билан Монас

арриги қайтадан қазилиб, 120 чакиримға узайтирилди. Бу нафақат шаҳарни сувға сероб қилиш, унинг куйи қисмидаги экинзорларға ҳам оби-ҳаёт элтиш имкониятини берди.

Қадимшунаслар Қарши шаҳри теварак-атрофларида, чўл ичкарисида қурилган сардобаларни ҳам Амир Темур номи билан боғлайди. Олимларнинг ҳисобига кўра, Мовароуннаҳр ҳудудида барпо этилган сардобаларнинг ярмидан кўпроғи Қарши чўллариға тўғри келади. Баҳор кезларида ёғирдан сардобаларға оқиб тушган сув ёз ойларида муздек бўлиб, ундан карвонлар, Соҳибқирон қўшинидаги отлар, чорва моллари, аскарлар, шунингдек сардобаларға яқин бўлган қишлоқ аҳолиси ҳам ичган.

Соҳибқирон дину диёнати, Қурьонни яхши ўқийди-

ган, уламо, машоихларға хурмати баланд ҳукмдор бўлган. Унинг хурмат-иззатига, қадру қимматиға сазовор бўлган уламолардан бири шайх Шамсиддин Кулол эди. Шамсиддин Кулол асли қаршилик бўлиб, Хожажан Нахшбандия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан ҳисобланган. Сайид Амир Кулолнинг шоғирди Баҳоуддин Нахшбанд Қарши шаҳриға келиб, Шамсиддин Кулолдан "зикри хуфий" усулини ўрганган. Шайх Шамсиддин Кулол Амир Тарағайнинг пири бўлган, соҳибқирон тугилганда исмини ҳам шу шайх қўйган.

Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" асарида таъкидланганидек, Темур ўси-

лати ёғилур Абу Туроб ал-Нахшабийнинг шаҳри Нахшаб бўлган хурматини ифодасидир. Амир Темурнинг Қарши шаҳрини суйгани, унга зўр ихлоси, меҳр-муҳаббати олдидан қаршиликлар ҳам қардор бўлиб қолмаганлар. Соҳибқирон лашкарлари орасида қаршиликлар ҳам кўп бўлган. Улар Соҳибқиронға садоқатларини намойиш этганлар, жангу жадалларда кўркак кериб жанг қилганлар. Ана шундай ботирилардан бири "Зафарнома"да баён этилган Қиморий Инок бўлган. Салқиддин Ташқандийнинг "Темурнома" асарида айтилишича, "Инок Қиморий қаршилик жумард қиморбоз. Сароймулкхонини мўғул хони Оқтемурундан қутқазилди Амир Темурға ёрдам беради. Умрининг охириғача Темур билан бирга бўлади. Амир Темур Инок Қиморий ёрдамида Оқтемурунни ўлдиради". Шахрисабздаги мейморий ёдгўраликларнинг гултожи Оқсарой қурилишида ҳам энг шимариб ишлаганлар. Бу улуғвор қосонанинг пештоқларида, равоқ ва кўнгаларидан турли рангларда нақш ва майоликаларда улар қўлларининг излари қолган.

Қарши ва унинг теварак-атрофида яшовчи мейморлар Амир Темур даврида пойтахт Самарқандда мадраса, макбара, масжид мажмуғи қурувчи бир макбара нақшли устунларида қаршилик Олим Насафий ва Али Насафий каби нозиктаб усталарининг исми-шарифлари битиб қўйилган.

Амир Темурға дастлабки парвоз майдони бўлган Қарши шаҳри мустақиллик йилларида ҳар томонлама юксалиб, мамлакатимизнинг обод ва гўзал шаҳарларидан бириға айланди.

М.АЗИЗОВ

Спорт оламида

Футбол

УКРАИНА ВА ПОЛЬША ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ КЕЛИШИБ ОЛДИ

2012 йилги Европа чемпионатини ўтказиш логотипи келишиб олинди.

Украина ва Польша футбол Федерациялари 2012 йилги Европа чемпионати финал қисмини ўтказиш ҳуқуқини олиш учун тендерда иштирок этиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилишға келишиб олдидлар. Украина футбол Федерациясининг матбуот хизмати тарқатган хабарға биноан улар тендерда ғалаба қозонсалар турнрининг муҳим воқеаларини ўтказишни бўлишиб олдидлар.

Варшавада дастлабки мусобақалар учун қуръа ташланади ва биринчи учрашувлар ўтказилади. Киевда эса финал турнири гуруҳ бахслариға қуръа ташланади ва финал учрашуви ўтказилади. Шуни таъкидлаш лозимки, Украина Олий Радасиға Украинанин 2012 йилги Европа чемпионатини ўтказиш ҳуқуқини олиш учун тендерда қатнашиши ҳақида қонун лойиҳаси тақдим этилган.

МИХАИЛ ШУМАХЕР ВА ФЕРНАНДО АЛОНСО ФУТБОЛ ЎЙНАЙДИ

Венгриядаги Гран-При мусобақаси арафасида формула-1 пойгачилари Михаил Шумахер ва Фернандо Алонсо хайрига матчда майдонға тушадилар ва Венгриянинг "Барча юлдузлар" жамоаси билан бахслашадилар. Венгриянинг "Барча юлдузлар" жамоаси таркиби хозирги кунда эълон қилинмаган. Машур ҳужумчи Ференц Пушкаш номидаги стадионда ўтказиладиган матчдан ташдиган маблагнинг 30 фоизи ЮНЕСКО жағфармасиға ўтади. Қолган маблаг эса Венгриядаги кам таъминланган болаларға ёрдам учун ажратилади.

"БАРСЕЛОНА" РОНАЛДИНЬОГА 150 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Роналдиньо "Барселона" жамоаси билан янги шартнома ни имзоласа жамоа учун 150 миллион АҚШ доллари тўлашға тайёр. Бунинг учун Роналдиньо ўз фаолиятининг охириғача, яъни 2014 йилгача "Барселона"да тўп суриши шарт. Ана шунда у 150 миллион доллар эгаси бўлади.

Қиличбозлик

РОССИЯЛИК ҚИЛИЧБОЗЛАР УСТУН

Венгрияда ўтаётган Европа чемпионатида россиялик қиличбозлар польшалыклардан реванш олдидлар. Шапгачилар ва рапирачиларнинг шахсий биринчилиги финал мусобақаларида россиялик Павел Колобков ва Светлана Бойкова польшалык спортчиларға ютказиб қўйиб, чемпионликни бой берган эдилар. Россиялик эркак спортчилар Польша спортчиларини 45:34 ҳисобида мағлуб этган бўлсалар, шапгачи аёллар эса финалда Польша қизларини 45:37 ҳисобида мағлуб этдилар.

Ёнғил атлетика

ЕЛЕНА ИСИНБАЕВА ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Лозана шаҳрида ўтказилаётган Гран-При мусобақасида Елена 4 метру 93 сантиметр балиндлиқни забт этиб, янги жаҳон рекордини ўрнатди. Бу унинг фаолиятдаги 14-рекорддир. Россиялик енгил атлетикачи бу йилги мавсумда 5 метрлик балиндлиқни забт этмоқчи. Янги жаҳон рекордини у биринчи уринишдаёқ забт этди. Олинги жаҳон рекордини ўтган йилнинг сентябр ойида Брюсселда 4 метру 92 сантиметрни ошиб ўтиб, қўлга киритган эди.

Мен ҳозир яхши спорт формасидаман. Бу йил яна бешта йирлик мусобақаларда иштирок этишни режалаштирман. Шу мусобақаларнинг бирида 5 метрни забт этиш ниятим бор. Кимда-ким 5 метрлик балиндлиқни забт этса у аёл афсонавий аёлға айлиниб қолади ва "юбка қийган Сергей Бубка" номи олади. Аёллар учун 5 метрлик балиндлиқ эркаларнинг 6 метрлик балиндлиги билан тенг, - дейди Елена Исинбаева.

Шоҳмат

КРАМНИК ВЕСЕЛИН ТОПАЛОВНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Германиянинг Дортмунд шаҳрида энг кучли шоҳматчилар ўртасида 19-тоифадаги шоҳмат турнири ўтказилмоқда. Классик шоҳмат бўйича жаҳон чемпиони россиялик Владимир Крамник оқ доналар билан Веселин Топаловни 41-юришда мағлуб этди.

Англиялик Майкл Адамс голландиялик ван Велига ўинини бой бериб қўйди. Этьен Бакро (Франция) ва россиялик Пётр Свидлер учрашувида дурранг қайд этилди. Россиялик Крамник Пётр Свидлер билан 1-турда баҳс юритиб, дуррангга имзо чеккан эдилар. Шунингдек биринчи турда Найдич (Германия) - Сутовский (Исроил) - 1:0; Лeko (Венгрия) - ван Вели (Голландия) - 1:0; Нильсен (Дания) - Бакро (Франция) - 1:0; Адамс (Англия) - Топалов (Болгария) - 1:0 ҳисобидаги натижалар қайд қилинган эди.

Т.ЮСУПОВ тайёрлади

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ меъёр кўрсаткичига жавоб берадими?

Инсон саломатлиги у истеъмол қилаётган маҳсулотнинг бевоисита сифати ва ҳавфсизлигиға кўп жиҳатдан боғлиқ. Айнисса, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган жажжи истеъмолчиларимиз, даволаш масканларида ўз саломатлиқларини тиклаётган фуқароларимизға ушбу масалада жиддий эътибор қаратилишни талаб этади. Қолаверса, уларға ажратилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий бюджет маблағларини ҳисобидан молиялаштирилиб, харид қилинади.

Шундай экан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалариға етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати амалдаги меъёр кўрсаткичлариға жавоб беришилик билан бирга бюджет маблағларидан оқилона, тежаб-тергаб сарфланиши ҳам мутасадди шахслардан катта масъулият талаб этади. Бу борада Бухоро вилоятида муайян ишлар амалға ошириб келинаётир.

Шу жазирама кунларда

Маҳаллий бюджет параметрларида муассасаларнинг озиқ-овқат харажатлари учун ажратилган маблағлар лимити ҳамда тақсимоти ниобатта олган ҳолда, товар етказиб берувчилар билан икки томонлама шартномалар имзоланиб, молия бўлимларида руйхатдан ўтказилди.

Халқ таълими тизимидаги муассасаларға озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва етказиб бериш Вазирылар Маҷмаасининг «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан хозирги кунда шаҳар ва туман марказларида ўзининг бўлимлари, омборхоналари мавжуд бўлган таъминотчилар Бухоро «Ошқоналар трести» жамоа қорхонаси ҳамда Бухоро вилоят давлат таъминот савдо масъулияти чекланган жамияти орқали амалға ошириб келинмоқда.

Туманлардаги фермер хўжаликлари, ишлаб чиқарувчи кичик қорхоналар, чет элдан маҳсулот олиб келувчи фирмалар, аҳолининг томорқасида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юқорисидаги ташкилотлар орқали харид қилиниб, бюджет муассасалариға ўртача бозор баҳоларидан ошмаган ҳолда узлуксиз етказилади. «Бухороёғ», «Бухоросут», «Бухоронон» каби асосий ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, маҳсулот олиш, ажратиладиган маблағларни мажбурий тўловлар сифатида маҳаллий бюджетға қайтарилиши молия идораси томонидан доимий назоратға олинган.

Етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, мувофиқлик сертификати, харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тегишли лаборатория назоратидан ўтганиги тўғрисидаги хулосаси доимий маъмулликни таъминлаш юқорисидаги маъсۇл қорхоналар ва уларнинг жойлардаги бўлимлари зиммалариға юклатилган. Бундан ташқари, мунтазам равишда тегишли органлар билан биргаликда текширилиб борилади.


Айни пайтда вилоятда 490 та мактабгача таълим муассасалари, 503 та умумтаълим мактаблари, 4 та махсус ва 31 та интернатлар мавжуд. Ушбу муассасалар учун 2004 йилда 4 миллиард 527 миллион сўм маблаг режалаштирилган бўлиб, тўлиқ молиялаштирилган. Касалхоналар бўйича эса 879,5 миллион сўм маблагни тўлиқ молиялаштиришға эришилди.

Жумладан, Бухоро шаҳрида 88 та болалар боғчаси ва 37 та умумтаълим мактабларига 863,7 миллион сўм маблаг шаҳар молия бўлими томонидан тўлиқ берилди.

Бухоро шаҳрида 1 та марказий касалхона ва 1 та турфуқона мавжуд. Ушбу муассасалар учун 2004 йилда 20,9 миллион сўм маблаг режалаштирилган. Бугунги кунда вилоятдаги барча истеъмолчиларға беминнат хизмат кўрсатаётган таъминотчи қорхоналар етказиб бераётган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари вилоят ҳокимлиги хузуридаги комиссия томонидан хулоса берилгандан сўнг жойларға тарқатиломқда.

Х.КОДИРОВ, «Ишонч» мухбири

Бугуннинг одамлари



Бу йил хўжалигимиз далаларида ризк-рўзимиз бўлган ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Шартнома ни ортиги билан ўринлатган пудратчилар уйлариға кўплаб дон туширишди. Аҳолининг ёрдамға муҳтож қисмини ижтимоий химоялаш мақсадида кам таъминланган оилаларға 100 килограмдан бугдой улашилди.

Кейинги йилларда хўжалигимизда кам таъминланган оилаларға ёрдам кўрсатиш, кексаларни эъозлашға қатта эътибор бериляпти. Масалан, Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан 48 нафар кексалар юртимизнинг Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларида жойлашган тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтишди. Кўп йил хўжаликда меҳнат қилиб, нафақаға чиққанларға совға-саломлар тарқатилди. Боқувчисини йўқотган оилаларға моддий ёрдам кўрсатилди. 8 Март байрами муно-

сабати билан эса 300 нафар хотин-қизға байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Ҳозир айни ёз. Болажонлар мириқиб дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайдиган фасл. Шу боис хўжалик аъзолари фарзандларидан 25 нафари Бўстонлик туманидаги «Келажак» ором-

ҲАММАСИДАН АЪЛО ҲАЁТГУЛИ

гоҳида дам олиб қайтилар. Шунингдек, ширка-

тимиз ҳудудидаги мактаблар таъмириға ҳам маблаг ажратди. Ҳа, қаерда инсон яхши ишлаб, яхши яшашға шариқ арилган бўлса, моддий манфаатдорлиги таъминланса, ўша жойда ишлар юришаверида. Буни бизнинг «Хўжақўргон» мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир барча техника, ишчи кучини сафарбар этиб, ғалла ҳосили ўрминини яқунлаяймиз. Мавсум иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Илғор-



ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БЕГУБОР КУЛГУСИ

Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда вилоят прокуратураси таъаббуси билан шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари руйхатида турган 400 нафар тарбияси оғир бола Охунбобоев туманидаги «Рохат» спорт-соғломлаштириш оромгоҳида дам оллоқда.

Оромгоҳни мавсумға тайёрлашға 17 миллион сўм маблаг сарфланган.

«Гулистон» болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳи Зомининг фунсунор тоғ ёни бағирларида жойлашган. Бу йил ушбу масканда 600 нафардан зиёд ўғил-қиз уч босқичда дам олади. Биринчи босқичда хордик чикарган 187 нафар ўқувчи қатта таъсирдан оғушида уйлариға қайтди. Бугунги кунда оромгоҳда дам олаётган 200 нафарға яқин бола ўртасида спортнинг шахмат-шашка, футбол, волейбол турлари бўйича қизиқарли спорт мусобақалари ўтказиляпти. «Каттаға хурмат - кичикча иззат», «Огоҳлик - давр талаби», «2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили», «Ўзбекистон - келажакги буюқ давлат» каби мавзулардаги учрашу ва мулоқотлар болаларни миллий қадриятларимиз, истиқлол ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш қатта аҳамият касб этаётир.

Репродуктив саломатлик

285 мингдан ортиқ аҳолиға хизмат кўрсатаётган Цирокчи туман марказий шифохонасиға қаршли 68 та даволаш-профилактика муассасаларида аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва репродуктив саломатлик масала-лариға жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, «Сиҳат-саломатлик йили» дастури доира-сида қатор ишлар амалға оширилди. Аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғибот, тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, тумандаги 92 та мактаб, 5 та лицей, 4 та коллеж ва бошқа таълим муассасаларида репродуктив саломатлик йўналишида ўқув маҳсулотлари орқали ўқувчиларнинг тиббий ва гигиеник билимлари оширилди. 6856 нафар аҳоли «Соғлом оила» дастури бўйича ўқитилди. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини таъминлашға ҳам кўмаклашилмоқда. Ҳозирда туманда 69 минг 164 нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар рўйхатта олинган. Уларнинг бир қисми тиббий қўриқдан ўтқа-

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

зилиб, соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 1 ёшдаги 7923 нафар болаларнинг 54,4 фоизи, 14 ёшгача бўлган болаларнинг 88 фоизи Осие тараққиёт банки кредитлари ҳисобидан даволанишди. Шифохона касабга уюшма кўмитаси томонидан кам таъминланган, ногирон ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун ёғи дам олиш оромгоҳлари йўлланмалар берилди. Кекса, уруш ва меҳнат фахрийлари «Қашқадарь соҳий» санаторийларида хордик чикариб қайтидилар. Яна 164 нафар кишиға Меҳнат


лари замонавий тиббий аҳоли билан жиҳозланмоқда. Яқинда шифохона негизига «Ота-оналар мактаби» ўқув маркази иш бошлади. «PROJECT HOPE» хонимлари томонидан USAID молиявий қўмағи асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бундан қўзланган мақсад бўлажак ота-оналарнинг тиббий билимларини ошириши, уларни хомилдорлик, туғруқ ва бунда қузатилиши мумкин бўлган ҳавф белгилари билан таништиришидир.

Ҳозирда марказ туғиш ёшидаги ҳомилдор аёлларға семинар маҳсулотлар ўтказиб, уларнинг турмуш ўртолқларини ҳам бунга жалб этди. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг келиши учун қулай бўлган махсулаштирилган тиббий муассасалар, туғруқ комплекслари, доялик шифо ўринлариға эға ҚВПлар қошида ҳам ана шундай ўқув марказлари ташкил этилди.

Р.ЖУРАҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири

Болаларнинг ёзи таълини кўнгилли ўтказишда Қашқадарё вилоятидаги кўплаб оромгоҳлар муносиб фаолият кўрсатмоқда. Муборак газ конлари бошқармасига қарашли «Ёш алангачи» оромгоҳида ҳар босқичда 450 нафар ўғил-қиз марокли хордиқ чиқармоқда. Гўзал табиат кўйида жойлашган дам олиш масканида болалар яйраб ором олишляпти. Айниқса, бу ерда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари ёш авлоднинг жисмонан чиниқишига хизмат қилмоқда. «Лочин» оромгоҳи ҳам ўқувчиларнинг севимли масканига айланган. Оромгоҳ ҳозирги босқичда Қамаша шаҳридаги Меҳрибонлик уйининг 32 нафар тарбияланувчисини ўз қўчоғига олди.

Суратларда: «Ёш алангачи», «Лочин» оромгоҳлари ҳаётинда лавҳалар. Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар



Сиз кутган учрашуви

1971 йил манбаишуноқ олим Аҳмад Убайдуллоҳ билан Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НАМДУ) талабаси эдик. Тушликка Чорсудаги маданият уйи ёнидаги чойхонага чиқардик. Енимиздаги сўрида суҳбат авжига эди. Маданият уйи бадий раҳбарлари Ваҳобжон ака Абдуллаев, Насриддин ака Маждидовлар ёнида ёшганга ийги уларнинг суҳбатига махлиб бўлиб ўтирдик.

— Анави ийгит ҳамшаҳримиз Камолдин Раҳимов бўлади. Ёқимли, ширдор овози бор. Яқинда бир тўйда кўшиқ айтди-ю, унинг келажига менда умид ўғонди, — деди Аҳмаджон.

Кўп ўтмай андижонлик дўстим Нуриддин тўйга айтиб қолди. Онам билан бордик. Нуриддин сўрида тор созлаётган ийгит олдида бошлаб бориб, «Бу Камолдин Раҳимов, танишиб ол» деди санъаткор билан бироз суҳбатлашдик. Шу-шу Камолдиннинг теле-визорда чиқиб қолса, онам раҳматли, «Кел болам, дўстинг қичди» дедилар. Камолдиннинг «Нарғиз» кўшигини бошласа, унинг овозига тоғлар акс-садо бергандай жаранглаб кетарди. Бу кўшиқ унинг ижросида шундай сайқал тоғандек, хонанда қаерга борса, шинавандалари сабрсизлик билан «Нарғиз»ни айтишини сўрашарди.

— 1976 йилда Қўқонга гастролга борганимда «Нарғиз»ни кўпчилик олқишлаб кутиб олди, — деди Камолдин. — 1977 йилда телевиденида шў кўшиқни айтиганимдан сўнг у барча муҳлисларнинг мулкига айланади. Отам кўшиқни,

Қўшиқ-дил изҳори

шўриятни хон дилидан севарди. У Навоий, Бедил, Бобур, Сўфи Олпаёр газаллари билан кўшиқ айтганда товушлари фарқлаб, тўри таллафуз этишни дилга жойлаб олганман. Андижонга борганда шoir Олимжон Холдор «Интизор» кўшигини берди ва санъаткорлар кўшиқни куйлагани, аммо яхши қиймаганини билдириб, «Бир кўрин-чи» деб қолди. Қўшиқда мунг, дард, изтиробни баъзилар меърига етказиб айтмаганди. Бу шўр менинг ёнимда бир йил юрди, кейин устозим Ваҳобжон Абдуллаев билан куйга солдик. Қўшиқмисан, кўшиқ бўлди:

Камолдиннинг ҳамшаҳри, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллиннинг газалларини жўшиб куйлашни ёқтиради. Айниқса, «Қўчандан жанон ўтганда» кўшигини бугун ёд билмайдиган одам йўқ. «Келмадингиз», «Хуморин ёд эт», «Келдим сени сўроққа», «Ватан меҳри», «Нурли бўстоним сенга» каби кўшиқлари дилдан-дилга, тилдан-тилга ўтиб миллионлаб муҳлислар қалбини ром этмоқда.

— Озарбайжонда ошқлар, ашу бахшилар чертиб яшна айтишлари, — дейди хофиз. — Мен ҳам 1976 йилгача айтаман. Устозим Ваҳобжон ака ўзи тор чашиб, ўзи куй басталамаган хофиз хофизми, дер эдилар.

Алишер Навоийнинг «Каро кўзим» газалини кўплаб санъаткорлар куйлаган. Назаримда бу газал Камолдиннинг ижросида янада сайқал топиб, кўшиқ шайдоларини хаяжонга солди.

Эл севган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Камолдин Раҳимовнинг ўзига хос, жозибали овози дала, бору роғлар, тоғлар ошиб, санъат шайдолари қалбига олам-олам завқ-шафқ бағишлаб янграмоқда. Нурли бўстон куйчисини айна кунларда янги кўшиқлари устидан тинмай изланмоқда. Қўшиқ — дил изҳори, — дейди у. Ижро ҳам шунга яраша бўлиши керак.

З. ЮНУСОВ

Ёз гаити

Бобур номли болалар оромгоҳи Жиззах туманининг Увобой қишлоғида жойлашган. Бу масканга қадим кўйишингиз билан муваффо ҳаводан дилингиз яйрайди. Қулочга симайдиган улкан дараклар қўқ соя ташлаган. Тошдан-тошга урилиб оқаётган соя кўйи манзара касб этади.

ОРОМГОҲДА
компьютер саводхонлиги оширилади

Жиззах Давлат педагогика институтига қарашли маъзур болалар оромгоҳи 1997 йилдан бун фаолият кўрсатмоқда. У 100 ўринга мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг ёзи соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишлари учун барча шaroит тахт қилинган. Институт раҳбарияти томонидан оромгоҳни мавсумга тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Энг аввало, оромгоҳ бинолари тубдан қайта таъмирланди. Янги жиҳозлар харид қилинди. Болаларга қўлайлик яратиш мақсадида йўлакчалар бунёд этилди. Спорт майдончалари тахт ҳолга келтирилган. Бу ерда ўғил-қизлар волейбол, стол тенниси, югуриш, шохмёт-шашка каби спорт турлари билан шугулланиш имкониятига эга. Маънави-

яга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўт ўчириш воситалари ўрнатилган. Саёҳат ва экскурсияга чиққан нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида эслатмалар тайёрланган.

«Сиҳат-саломаатлик йили» Давлат дастурида ёзи таълини ўтказишда оромгоҳларда ўқувчиларга намунали хизмат кўрсатиш бўйича жиддий вазибалар белгиланган. Мазкур оромгоҳда режалаштирилган тадбирлар, биринчи навбатда, ўқувчи ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан куч йиғишларини таъминлашга қаратилган. Қолаверса, уларнинг соғлигини шифокор томонидан назорат қилиш, сурурат турилганда, шу ернинг ўзида муолажа ўтказишга шaroит яратилган. Шу мақсадда дори-дармон учун 250 миң сўмлик маблағ сарфланган. Бассеин ва душнинг ишга туширилгани ҳам айни муҳтод бўлди. Бу-гун оромгоҳдан таралаётган куй-қўшиқлар ва болаларнинг қувноқ ўйин-кутилари дам олиш кўнгилдагидек ўтаётганидан далолат бермоқда.

А.СОДИҚОВ

АВТОМОБИЛЧИЛАР

БИРИНЧИ

Янгийўл шаҳар автомобил мактабида чакирув ёшидаги йигитлар ўртасида кўпқураш бўйича вилоят биринчилиги якунланди. Республика техника ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган беллашувада ўттизга яқин ёш спортчи иштирок этди.

Улар уч кун давом этган мусобақаларда сузиш, югуриш, узунликка ва баландлиқка сарқаш, пневматик милтиқдан ўқитиш, автомобилчи бошқариш, турникдан тортилиш, граната улоқтириш каби спорт турлари бўйича куч синашди.

Умумжамоа ҳисобида Янгийўл шаҳар автомобил мактаби жамоаси биринчи, Чирчиқ шаҳри вакиллари иккинчи, ангрелик автомобилчи ёшлар учинчи ўринни кўлга киритди.

Ёш талантлар

Энг замонавий билимларни эгаллаган, эркин ва ижодий фикр юритадиган жисмоний ва баркамол ўғил-қизлар орқалигина иқтисодий-ижтимоий тараққиётда муваффақиятга эришиш мумкин.

Қорақалпоғистоннинг ўқув, тарбия муассасаларида «Таълим тўғрисидаги» Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазибалар изчиллик билан ҳаётга таътиқ этилаётган. Ёшларда касб-ҳунар мақолаларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама етук кишилар қилиб қамол топтиришда республика ўқувчилар саройи муҳим ўрин эгаллаётган.

Ҳозир болалар оромгоҳларда хордиқ чиқаришга, — дейди мактабдан ташқари таълим маскани директори, «Дўстлик» ордени соҳибаси Р.Низамутдинова. — Жамоамиз учун эса қизғин иш палласи бошланди. Таътиқ даврида аъзоларимизнинг бун вақти кўпайиб, машғулотлардаги фаоллиги ошди.

Мутасаддиларнинг доимий гамхўрлиги тўғрисида муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Фан тўғрисидаги кўргазмалар, куруллар янгиланди. Замонавий видео-техника воситалари, магнитофон, компьютерлар, болалар халқ чолғу асбоблари сотиб олинди, маъмурий бино, машғулотлар зали мукамал таъмирланди. Ота-оналар кўмитаси, кенг жамоатчилик кўмағида тева-ратроф ободонлаштирилди. Ҳиёбондаги ям-яшил дов-дараклар, анвойи гуллар беҳиштир киши эътиборини ўзига тортади.

Ўқувчилар саройида бадий, эстетик, техник-иқтисодий йўналишдаги 43 та тўғрақ бўлиб, 1500 дан ортиқ ўқил-қилиш шугулланаётган. А.Хуснуллоева, К.Исмоилова, Ж.Леппесова, Л.Сейтемибетова, Ж.Леппесова, Ж.Узоқбоев, Ж.Пурхоннова, Г.Асанова каби таълим жонқурлари ҳар бир

машғулотни юқори савияда ўтказиб, болаларни ижодий излашишга даъват этишляпти. Ўқувчиларнинг иқтидори, таланти амалда намоён бўляпти. Тўғрақ катнашчилари Салтанат Нурқосимова, Тимур Пиёзов, Бауржон Ҳамидуллаев болалар

«САРВИНОЗ» МАҲАЛЛАСИДАГИ ТЎГАРАК

Фарғонада бўлиб ўтган «Ёш устоз» танловида нуқуллик Д.Ибрагимова миллий буюмлар тикиш, тўртқўлиқ Г.Камолова гилам тўқиш бўйича фахрли ўрин эгаси бўлишди.

Таърибали тўғрақ раҳбари Т.Разақбердиева компьютер синфларида машғулоти олиб бориб, болаларга инглиз тилини пухта ўргатаётган. Студия мутасаддиси С.Тожиёвадан қораллоқ тили ва адабиёт йўналиши бўйича таълим олганларнинг кўчилиги гимназия ва коллежларда ўқишни давом эттиришляпти.

Ўқувчилар саройида «Олтин кўз», «Сардор», «Султон йигит», «Гулчечалар», «Болалар эстрада» каби кўрик-танловлар уюштирилиб, қораллоқ телевидениеси орқали кўрсатилди.

Ҳуллас, ёзи таътил даврида ҳам ўқувчилар бун вақтларини мазмули ва марокли ўтказиб, бадий ижодкорлик, халқ амалий санъати ва касб-ҳунар эгаллаш билан шугулланишлари учун яратиб қўйилган яхши шaroит ўз самарасини бермоқда.

И.ИСОМИДДИНОВ

ТЕШИКТОШ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Бойсун туманида, анкироғи олис тоғлар орасидаги Манчай қишлоғи тепасидан топиладиган қадимий осори-атикалар маназили Тешиктош дунё қадимшўнослик илмининг нобў дурдоналаридан бири саналади.

Тешиктошга бўлган қизиқиш неча ўн йиллардан бунё асло сусаймаётган. Ана шу кўна обида ҳақида сурхондарёлик журна-

лист Абдулла Холмирзаев сценарий ёзди. Мазкур сценарий асосида Ўзбекистон давлат илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодкорлари «Қадимий маданият излари» деб номланган фильмни суратга олишди. А.Ҳачатуров режиссёрлигида суратга олинган фильмда Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари ҳам қатнашди.

«Туркистон-пресс»

Эшитдингизми, ўқидингизми? КОШЕЛЕВ — «ШИННИК»ДА

Россия миллий чемпионатида қатнашаётган ҳамюртларимиз сафи кенгайиб бормоқда. «Пахтакор» ва миллий терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Леонид Кошелев премьер лига иштирокчиси. Ярославнинг «Шинник» жамоаси сафига қўшилди.

УЕФА расмий сайтининг маълумотига кўра, ҳамюртларимиз икки йиллик шартномага имзо чеккан. Бу ўзига хос танловда оммавий ахборот воситалари иштирок этишляпти.

ОЙНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Хабарингиз бўлса, Россиянинг «Спорт-экспресс» газетаси ҳар ой МДХ ва Болтқибуйи мамлакатларининг энг яхши футболчиларини аниқлаб боради. Бу ўзига хос танловда оммавий ахборот воситалари иштирок этишляпти.

Г.СҮЮНОВА тайёрлади

Бор бўл, меҳру оқибат!

ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРИШМАДИ

Дунёни гўзаллик қутқаради. Бу гўзаллик, аввало, одамларнинг эзгу амалларида, ёзаро ҳамжихатликлариди, ёрдамга муҳтожларга меҳру оқибат қўрсатишларида намоён бўлади. Қолаверса, бундай юксак инсоний тўғулғар умрбоқийдир: яхшилар бор экан, башариятнинг шарафловчи гўзал тўғулғари яшайверади.

Турмуш ўртоғим кўп йиллар шахримиздаги қурилиш ташкилотларида муҳандис бўлиб самарали меҳнат қилди. Тақдир экан, бундан бир неча йил олдин оғир касалликка чалиниб, вафот этди. Бемор бўлиб тўшақда ётган пайтларида шаҳар қурилиш бошқармаси ва темир-бетон қорхонаси раҳбариятлари ҳамда касабга уюшма кўмитаси вакиллари доимо ҳолидан хабар олиб туришди.

Рости, кишини, айниқса суянган тоғидан бевақт ажралган аёлни тақдирини азали

нинг қутилмаган зарбаси гангитиб қўяркан. Лекин яхшилар, эзгуликка камарбаста инсонлар мени ёлғиз қолдиришмади. Тушқулликка тушган ўша кунларимда ҳам руҳан, ҳам моддий қўллаб-қувватлаб туришди. Ўша пайтда уч нафар норасида болам билан ётоқхонада яшардим. Шаҳар хоркимияти марҳум турмуш ўртоғимнинг кўп йиллик меҳнатини қадрлаб, бизга икки хонали уй ажратиб берди.

Ҳа, бир оғиз ширин сўз, эзгу амаи кишида эртанги кунга нисбатан мустаҳкам ишонч ҳиссини пайдо қиларкан. Қилларга-гараг қерак эканлигининг, аτροφингда яхши инсонлар борлигини ҳис қилиб яшашнинг ўзи — бахт экан.

Х.КҮНИШОВА, Зарафшон тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Кўнгил — чинни пиёла

нам бунга рози бўлмайдик. Кўз барча қишлоқларга чидайди. Ҳаттоки, уни хонга тортиқ қилмоқчи бўлишди. Санам эса бундай қилмасликларини илтижо қилади. Шундай кунларнинг бирида суворий оғир касалликка гирифтор бўлади. Санам инсонийлик юзасидан уни парваршилайди, дардига

ИШҚ ДАРДИГА ЧОРАСИЗ ТАБИБ

...Амир бедаво дардга йўлиқди. Уни бирон-бир табиб даволай олмади. Ниҳоят, Амирга Ибн Сино деган ёш табиб борлигини айтишди. Амрини ўша табиб тўзатади. Шунда табибдан тилак сўралганда у клубхонадан фойдаланишга рўхсат сўрайди. Бу тилак амалга оширилди. Амир тўзаланган, яна мана шайта берилиб кетади ва оқибат касалликка чалинади. Мамлакатдан пулур кетади. Ёғий бостириб қилиб Амир Мансурнинг икки кўзи ўйиб олинди. Клубхонанинг қўли қўзга соғурилади. Амир Мансур ўрнига бошқариш тапма келади. Бирок у ҳам амрликни оғайи олмайдик. Саройда фитна бошланади. Шундан сўнг салтанат яна таназзулга юз тутайди. Мамлакатни Қоракўрғонга босиб олади. Бокорлар аввал отаси, сўнгра онаси ўлдирдилар. Санамнинг банди қилиб олиб кетишди. Ибн Сино эса бош олиб Хоразмга, дўсти ал-Беруний хўзурига кетишга мажбур бўлади. Шундай қилиб ҳар иккала севилган қиллар бир умрга ажралди.

Санамни бир суворий ўзига ниқохлаб олмақчи бўлади. Бирок, Са-

булиб қолди. Шундай қийин пайтда ҳам Санамни эслади.

Ибн Сино бу оламни тарқ этаётган шогирди Қора Туркка шундай васият қилган экан: «Менга қара, азизим, сенга илтижомий шулли, Бухорога бориб, қандай бўлмасин, ҳаттоки ер остидан бўлса ҳам ўша оизани тоғурсан, англадингму? Бу иш фақат сенинг қўлингдан келур. Эшиттиб ол, боқиранинг исми Санам эди. Бухорлик Масъуд қандолатпазанинг қизи эди. Мен унга уйланимоқчи эдим. Афус, тақдир экан, насиб этмади. Мана бу ҳамандаги тиллоларни ол, бутун бойлигим шу, аёлга берурсан. Мендан салом айт, дегилки, мен уни жон-дилдан севар эдим... уқидинг, севардим...»

Буюк табибнинг сўғити васияти амалга оширилди. Ибн Синонинг вафот этганини Санамга етказилди.

...Бухоро кўчаларида бир телбанамо аёл пайдо бўлиб қолди. Одамлар ақдан озган бўлса-да бу аёлни ҳайдамас, унга ачиниби қўларига ёш оларди. Негаки, — негаки, телба аёл инсонлар қалбидан алаққон жой олган буюк табиб — Ибн Сино ҳақида тўқилган турли ривоятларни сўзларди. Қардердан олган тилло буюмларини дуч келганга улашарди. Вале ҳеч кимса аёлнинг исми Санам эканлигини билвермасди...

Инсониятнинг ҳар қандай дардига малҳам тоғган, бирок ўзининг қалб оғриғига илж тополмаган буюк табибнинг муҳаббати ана шундай ниҳонланганди.

Н.СОЛИХОВА тайёрлади

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топириш вақти - 21.00
Топирилди - 22.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерларида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Қорхона маназили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.